

ШОҲ ҒАРИБ МИРЗО – ҒАРИБИЙ «ДЕВОН»ИНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

С.Ҳалимов - тадқиқотчи

Самарканд давлат университети

Таянч сўзлар: Шоҳғариб Мирзо, Девон, туркий-ўзбек ғазаллар, шеърӣй девон, қитъа, мухаммас, Ҳилолий Чигатой, Хусайний, Шафикаи Ёркин.

Ключевые слова: Шоҳғариб Мирзо, Диван, тюркско-узбекские газели, поэтический диван, двустиише, мухаммас (пятистиише), Хилолий Чигатой, Хусайни, Шафикаи Ёркин.

Key words: Shahgharib Mirza, Divan, Turkic-Uzbek gazalles, poetic divan, coup let, mukhammas, Khilali Chighatay, Khussaini, Shafikai Yarkin.

Темурий шахзодалардан бири бўлган Шоҳ Ғариб Мирзо номи ҳали кўпчилик китобхонларга нотаниш. Ш.Ёркин ва О.Жўрабоевларнинг маълумот беришича, Шоҳ Ғариб Мирзо (тахаллуси Ғарибий) (15-аср 2-ярми, Ҳирот) – шоир, темурий шахзодалардан бири. Хусайн Бойқаронинг ўғли. Замондошлари томонидан ўз даврининг нодир истеъдодли шоири сифатида эътироф этилган. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Шоҳ Ғариб Мирзога алоҳида боб ажратиб, унга кўпгина яхши насихатлар қилган. Кейинчалик вафот этганда ҳам, унинг вафотига улғу шоир марсия бағишлаган [6]. Темурий шахзода Шоҳғариб Мирзо – Ғарибийнинг шоирлиги ва шеърӣй девони борлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлигига қарамай, девоннинг ўзи илм ахлининг қўлига етиб келмаган эди.

Ушбу девон бугунги кунда Германиянинг Ҳамбург кутубхонасида сақланмоқда. Девонни излаб топишда ва уни ўрганишда олим, профессор Хайрулло Исматуллаев ва профессор Шафика Ёркиннинг хизматлари катта бўлди.

Германияда бўлиб ўтган ҳар икки жаҳон уруши туфайли мазкур давлат кутубхоналари ва уларда сақланган кўлёмалар таркибида ўзгаришлар бўлган. Шу боис Ғарибий девони кўлёмза нусхасини қидириб топиш анча қийин кечган. Агар олмон турколог олимлари кўмак бермаганларида, ҳозирги кунгача девон кўлёмасини топиб бўлмасди. Бундан ташқари, Германиянинг шарқшунос олимлари ва Хумболдт университети профессорларининг бебаҳо ёрдами туфайли Шоҳ Ғариб Мирзонинг форсий ва туркий тиллардаги ҳамда Ҳилолийнинг форсий девонлари кўлёмаларининг нусхалари ва микрофильми Гамбург шаҳри кутубхонасидан 1999 йилнинг бошларида олиб келинган. Ушбу девон профессор Шафика Ёркин томонидан нашрга тайёрланган. Индиана университети профессори Хайрулло Исматуллаев ўз тадқиқотлари орқали бир неча бор Шоҳ Ғариб Мирзо ижодини янада намоён қилишга ҳаракат қилган.

Ҳозирги кунда девоннинг форсий тилда яратилган ғазаллари Нью-Йоркда нашрга тайёрланмоқда. Бундан ташқари, Шоҳ Ғариб Мирзо девонига кирган туркий-ўзбек ғазаллари асл нусхада ҳамда лотин ва кирилл алифбосида чоп этилиши кўзда тутилган.

Шоҳ Ғариб Мирзо «Девон»и ўз ичига туркий тилдаги 76 ғазал, 4 мухаммасни, жами 1210 мисра шеър, форсийда эса 37 ғазални олган. Шоҳ Ғариб Мирзо ижоди бевосита ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Шоҳ Ғариб Мирзо ўз ижодида бевосита Алишер Навоий асарларига мурожаат қилган ва улардан илҳомланган ҳолда ўз ғазалларини ёзган. Шоҳ Ғариб Мирзо қаламига мансуб девон ҳақида ёзилган маълумотларга назар ташлар эканмиз, девоннинг бошидан 26 варағигача машҳур шоир Ҳилолий Чигатойнинг форс-тожик тилида алиф, бе, те, се, жим, хе, дол радифларида ёзилган 54 та ғазали ўрин олгандир. «Девон» Ҳилолийнинг қуйидаги ғазали билан бошланади:

Ай нури худо дар назар аз рӯи ту моро,
Бигзор, ки дар рӯи ту бинем худоро.
Ва унинг девони мана бу ғазали билан тугайди.
Агар на оз гули навруста бўи ёр олд,
Ҳавои боғу тамошои гул чи пар олд.
Таржимаси:

Шоҳ Ғариб Мирзонинг форс-тожик тилидаги шеърӣй девони йигирма еттинчи саҳифадан бошланади ва унда қуйидаги ғазал дебеча сифатида киритилган:

Гар кушоди кори мо буди зи зулфи ёри мо,
Мигумен ошуфтаву дарҳам набуди кори мо.

Яъни:

Шоҳ Ғариб Мирзонинг ўзбек тили (туркий)даги устози ва ҳомийлари Мир Алишер Навоий ва Хусайнийлар ҳисоблансалар, форс-тожик тилида ижодининг шаклланишида Абдурахмон Жомий катта ҳисса қўшган. Абдурахмон Жомий бутун умрини ўрганишга, ижод қилиш ва ёш илм аҳлига ғамхўрлик қилишга, шоҳ ва шахзодалар ўртасидаги можароларни барҳам топтиришга, бева-бечораларга, талабаларга, етим-есирларга ёрдам беришга сарфлаган мутафаккир ҳисобланади. Айниқса, у билан Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик, ўзаро ҳамкорлик бир умрга ажралмас дўстлиги алоҳида таҳсинга сазовордир. Бизгача Абдурахмон Жомийдан бир қатор асарлар етиб келган. Юсак маҳорат эгаси бўлган Абдурахмон Жомий ижоди Шоҳ Ғариб Мирзо учун ҳам ўрнатқ бўлган. Ғарибий ўзининг форс-тожик тилидаги ёзилган девонини Абдурахмон Жомий ғазалига бағишлаб боғланган қуйидаги мухаммас билан тугатади:

Маҳе к-аз рафтаниш дил дар фиғон ҳамчун монда,
Маро рӯзи видоаш дида чун рӯди Арас монда,
Таманнои висолаш дар дили биёр кас монда,
Бирафт он моҳу моро дар дил аз вай сод хавас монда,
Ғами Ҳичрони ў бо чони ширин ҳамнафас монда
Най ай дил зи бедоди сипехри тезров оғаш,
Ки бор азми сафар шуд дар аморӣ гунчавар он маҳ,
Ба зери бори меҳнат меравам аз пай мани гумраҳ,
Марон тунд, ай аморидори Лайли, хасбано миллаҳ
Ки бо сад бори дил бечора Мачнун бозпас монда.
Бувад ё раб, ки олд аз сафар он нозашин рӯзе?
Баросолд зи дарди хачри ў чони ҳазин рӯзе?
Сиях шуд гарчи рӯзи ман, хушам бо инчушин рӯзе,
Ба уммеде, ки олд он маҳл маҳришинин рӯзе,
Чахоне чашм бар раҳ, чўш бар бончи чарос монда.
Дар ин мавсим ки хуррам гашт дашт аз сабзову гулҳо,
Ба сахро хайма зад аз баҳри ишрат он гули раъно,
Ба сад андўху ғам дар шаҳр аз-ў мондам тани танҳо;
Чу зод акнун гули раъно ба ишрат хайма бор сахро,
Чи ғам гар булбули шайдо филфанди қафас монда?
Ба мулки ишк ю-он чо ғофилдор аз хеш огоҳон-

Набурда раҳ сўи мақсуд, мегарданд гумроҳон,
Чудо з-он шоҳи хубон мекашам бедоди бадхоҳон,
Бидех чў доди ман он шоҳу бингар мулки бас шохон,
Ки не фарёдхоҳ он чову не фартурос монда.
Хуш он рӯзе ки будам маҳрами рози ноҳони ў,
Нихоний роз ҳар дам мешунидам аз забони ў,
Агар созад дигар раҳ баҳтам аз хайли сағони ў,
Хавас дорам, ки соям чашму рух бар остони ў.
Маро з-ин баҳти нофармон қамиш як мултамас монда.
Миёни халқ гаштам шўҳра чун бо дурдошомӣ
Ману дайри муғон, минбаъд, расвон ву бадномӣ
Ғарибий рафт аз қўи вафо он гул, зи зи худкоӣ
Ба қўяш чун нанолад ҳамчу мурғони чаман Чолт?
К-аз ин гулшан гулу шамшод рофта, хору хос монда.
Дарҳақиқат, форс-тожик тилдаги ижоди билан шуҳрат қозонган Абдурахмон Жомий йирик файласуф олимлиги, юсак истеъдоди билан Шоҳ Ғариб Мирзонинг форс-тожик тилида яратган йирик ҳажмли

ғазалларининг юзага чиқишига бевосита устозлик қилган, десак хато қилмаймиз. Юқорида келтирилган мухаммас фикримизнинг яна бир далили саналади. Ғарибийнинг форсийда ёзилган девонида алиф, те, дол, шин, коф, лом, мим, нун, вов, ва ё радифларида ёзилган. 37 ғазал, бир қитъа ва мухаммасдан таркиб топган ушбу мажмуада 557 мисра шеър мавжуддир.

Шоҳ Ғариб Мирзо темурий ижодкорлар анъанасини давом эттирган ҳолда ўзига хос бўлган 2 девонида яъни ўзбек тилидаги шеърини девонида асосан алиф, те, ре, зе, шин, поф, чоф, лом, мим, нун, хо, ё радифларидаги 76 ғазал, 4 мухаммас (3 таси Алишер Навоий ғазалига, ҳамда 1 таси Хусайний ғазалига)дан иборат бўлиб, у 1210 мисра шеърни ташкил қилади.

Ушбу ўзбек тилидаги девон 50 саҳифадан қуйидаги ғазал матлаъси билан бошланади:

Дурди ишқинг ҳаддин ошди, айлагил дармон менга
Чун сен-ўқсен, эй парипайкар йигит жонон менга

Шоҳ Ғариб Мирзо девонининг ушбу қисми хошиясида форс-тожик ижодкорларидан Восили,Осифи, Мавлоно Махдумзода ва Асмат Бухорийларнинг бир неча байтларидан намуналар ҳам мавжуд. Девон 21,5 га 12,5 см ўлчамда бўлиб, бир неча устунда такма-так унчалик чиройли бўлмаган ёзув билан нашр этилган. Девоннинг ҳар бир саҳифаси ўртача 10-14 байтдан иборат.

Адабиётлар

1. Ўсмануллоев Х. «Шоҳ Ғариб Мирзо» / Миллий тикланиш / рўзномаси 2000 йил, 24 август.
2. Ёркин Ш. «Девони Ғарибий дар Ўзбекистон» / Овози тожик / рўзномаси. 2000 йил, 21 октябрь.
3. Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. 2001. – Тошкент: Фан» (С.Ғаниева «Алишер Навоий ва ижодкор темурий шаҳзодалар») 79-84-б.
4. Алишер Навоий «Фарход ва Ширин». – Тошкент: 1989, 345-350-б. Ғафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
5. Алишер Навоий «Мажоллис-ун нафос». – Тошкент: 1948, «Ўзбекистон давлат нашриёти», 134-б.
6. <https://ziyouz.uz/ozbek-sheriyati/ozbek-mumtoz-sheriyati/shoh-garib-mirzo/>

Мақолада номи хали бугунги кун кўпчилик китобхоналарига нотаниш бўлган Темурий шаҳзодалардан бири бўлган Шоҳ Ғариб Мирзо ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинади. Унда Германиянинг Ҳамбург кутубхонасида сақланаётган Темурий шаҳзода ШоҳҒариб Мирзо – Ғарибийнинг шоирлиги ва шеърини девони, яратган ғазалларининг жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Имя Шохгароба Мирзо – одного из принцев тимуридов на сегодняшний день известно немногим читателям. Несмотря на то, что было известно, что принц Шохгароб Мирзо Гарибий был поэтом и у него есть сборник стихов, о существовании этого сборника представители науки не знали. Этот Диван на сегодняшний день хранится в Гамбургской библиотеке Германии.

РЕЗЮМЕ

The name Shokh Garib Mirzo is one of the princes of the Timurids today is hot well known to the readers. Despite the fact that it was known that Prince Shokh Garib Mirzo Garibiy was a poet and he had a collection of poems, that the representatives of science did not know about the existence of this collection. This Divan is currently kept in the library of Hamburg library of Germany.

SUMMARY

ТАРИЙХЫЙ ҚОСЫҚЛАРДА ТАРИЙХЫЙ ҲАҚЫЙҚАТЛЫҚ

(Тарийхый қосықларда Хорезм журты темасы мысалында)

Е.Е.Қанаатов – докторант

Әжсинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: Хоразм давлати, қарақалпоқлар, Чингизхон истилоси, тарихий кўшиқ, халқ оғзаки ижоди.

Ключевые слова: Хорезмское государство, каракалпаки, нашествие Чингисхана, историческая песня, фольклор.

Key words: Khorezm state, Karakalpaks, Genghis Khan invasion, historical song, folklore.

Қарақалпақлар тарийхын үйрениўде де халық тарийхый қосықларының хызмети үлкен. Туўры, тарийхый қосықлар тарийхый ўақыялар шеңберинде дўньяға келип, тарийхый реаллық тийкарында пайда болса да оны ҳақыйқый тарийх деп болмайды. Себеби, халық арасынан шыққан талант ийелери – шайырлар, жыраўлар, бақсы хэм қыссаханлар тәрәпинен дөретилип, ҳәр бир дәўирдин раўажланыў өзіншелликлерине қарап турмыслық ўақыялардың гейпара тәрәплери қосылып жетилисип барады яки керисинше, әҳмийетлигиин жойтқан тәрәплери ядтан шығарылып жибериледи.

Қарақалпақ халық тарийхый қосықларының көпшилигинде тийкары тема – елдин бүлинип, жаңа меканларға көшкен пайытындағы ата мекан менен айра түсиўи, қыймай хошласыўи. Мәселен, “Ормамбет бий” толғаўында Едил-Жайық, “Посқан ел” толғаўында ата журты Түркистан жырланады. Айтайық, “Байсынға” қосығы. Бул қосықта Шынғыс ханның Хорезмшахлар пайтахты Үргеништи басып алғанынан кейин Хорезм журтынан халықтың бүлинип көшиўи сәўленген.

“Байсынға” халық тарийхый қосығы дерлик 800 жыл даўамында аўызға көшип халық ядында жасап келген. Қосықта Хорезм пайтахты Үргениш бүлингеннен

Девон яхши сақланмаганлиги учун баъзи сўзлар ўчиб кетган. Котиб ҳам нухани кўчираётганда диққат қилмасдан баъзи бир хатоликларга йўл қўйган. Масалан, девонда айрим сўзларни тушириб қолдирган, (64 б.) баъзан байт ёки мисраларни ёзмаган, айрим жойларда эса мукаррар байтларни лозим бўлмаган жойларда ёзиб кетган. Ўзбек тилида ёзилган девоннинг котиби Мавлоно Шукрулло исмли киши эканлиги манбаларда кўрсатилгандир.

Шоҳ Ғариб Мирзо-Ғарибий «Девон»ини ўрганар эканмиз уни бевосита ғазалнавис шоир деб айтиш мумкин. Зеро унинг девонида 113 ғазал, турли жанрларда ёзилган шеърлар, 1 қитъа ва 5 мухаммас мавжуд эканлигини юқорида кўриб ўтдик. Шоҳ Ғариб Мирзо ижоди намунаси бўлган ғазалларга назар ташлар эканмиз, унинг ғазаллари асосан 7 байтдан бўлиб, баъзан кам ёки кўп бўлиши ҳам мумкин. Ғарибий ғазалларида ошиқ аҳволи тараннум этилган ва у бевосита ўқувчини ўзига жалб қила олади.

Шоҳ Ғариб Мирзо ижодида яратилган ғазалларнинг жанр хусусиятлари ва мавзу кўлами ўзига хос бўлиб, алоҳида тадқиқ этишни тақозо қилади. Бу эса ўзбек адабиётшунослиги олдидаги навбатдаги вазифалардан биридир.

кейин халықтың қоңыратлар мәканы – Байсынға (Байсын хәзирги Сурхандәрья хәм Қашқадәрья ўәләятлары аймағындағы тарийхый орын– Е.К.) қарай жолға шығыўға атланған пайыты сүўретленеди:

Дин Хорезмниң бүлгини,
Заман ақырдың болғаны,
Пайманамыздың толғаны,
Нетип барамыз Байсынға?
Зорлық зәхметинен ел көшер,
Шийрин жаның отқа түсер,
Йығлай-йығлай күнің кешер,
Нетип барамыз Байсынға? [1:325]

Қарақалпақ тарийхый қосықлардың пайда болыўи ҳаққында гәп болғанда көбинесе, Ноғайлы дәўири хәм Түркистан дәўирлери еске алынады. Оған “Ормамбет бий” хәм “Посқан ел” толғаўлары мысал бола алады. Қарақалпақлардың Едил, Жайық дәрәясы бойында бүлгиншиликке ушырап, сол жерлерди таслап, Түркистанға – Жаңадәрьяға көшкенлиги ҳаққындағы тарийхый жыр (“Ормамбет бий”толғаўи) хәм қарақалпақлардың Түркистаннан посып, Аралбойы, Хорезм диярына көшкенлиги ҳаққындағы Жийен жыраў жырлаған толғаў (“Посқан ел”толғаўи) [2:57].